

**НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ped.34.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

КДИРБАЕВА ХУРЛИМАН МАНГИТБАЕВНА

**УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРИДА ИЖТИМОЙ
ИНТЕЛЛЕКТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

НУКУС – 2021

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Кдирбаева Хурлиман Мангитбаевна

Умумтаълим мактаблари ўқувчиларида ижтимоий интеллектни
ривожлантириш технологияси..... 5

Кдирбаева Хурлиман Мангитбаевна

Технология развития социального интеллекта у учащихся
общеобразовательных школ..... 27

Kdirbaeva Khurliman Mangitbayevna

The technology of development of social intellect in secondary schools
pupils..... 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 55

**НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ped.34.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

КДИРБАЕВА ХУРЛИМАН МАНГИТБАЕВНА

**УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРИДА ИЖТИМОЙ
ИНТЕЛЛЕКТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

НУКУС – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.1.PhD/Ped495 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.vocedu.uz) ҳамда «ZiyoNET» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ходжаев Бегзод Худойбердиевич
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Адизов Бахтиёр Рахмонович
педагогика фанлари доктори, профессор

Ортиқов Азизбек Улуғбекович
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот:

Андижон давлат университети

Диссертация ҳимояси Нукус давлат педагогика институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Ped.34.01 рақамли Илмий кенгашнинг 20 21 йил « 7 » 07 соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 230105, Нукус шаҳри, П.Сейитов кўчаси рақамсиз уй.) Тел.: (99861) 229-40-75; факс: (99861) 229-40-75; e-mail: pkspi_info@edu.uz.

Диссертация билан Нукус давлат педагогика институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (26 - рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 230105, Нукус шаҳри, П.Сейитов кўчаси рақамсиз уй. Тел.: (99861) 229-40-75; факс: (99861) 229-40-75.

Диссертация автореферати 20 21 йил « 24 » 06 кун таркатилди.
(20 21 йил « 24 » 06 да 26 рақамли реестр баённомаси).



Б.П.Отемуратов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, ф.-м.ф.д., доцент

З.К.Курбаниязова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
аъзо-котиби, п.ф.н., доцент

Т.Т.Утебаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги
Илмий семинар раиси, п.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори(PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда таълим олувчиларда ижтимоий-эмоционал кўникмаларни шакллантириш, мустақил ва танқидий фикрлаш қобилиятини ривожлантиришга катта аҳамият қаратилмоқда. Айниқса, умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларида ҳаётий (Life Skills) кўникмаларни ривожлантиришга йўналтирилган ижтимоий муҳит барқарорлигини таъминлаш, “ўрганишга ўргатиш” (“Learning to learn), “бажаришга ўргатиш” (Learning as doing) тамойиллари асосида таълим олувчиларнинг креатив фикрлашини ривожлантириш, мулоқотчанлик кўникмаларини шакллантириш устувор аҳамият касб этмоқда. Шунингдек, умумий ўрта таълимда шахсий фаолият тажрибасига асосланган ўқув-тарбия технологияларидан самарали фойдаланиш, ўқувчиларда шахслараро муносабат маданиятини ривожлантиришнинг педагогик механизмларини такомиллаштириш зарурати юзага келмоқда.

Дунёда умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларининг ижтимоий интеллектини ривожлантиришнинг психологик-педагогик, диагностик тизимини такомиллаштириш, таълим олувчиларда ҳамкорликда ишлаш кўникмаларини ривожлантиришнинг ташкилий-педагогик механизминини ишлаб чиқишга доир қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Шу билан бирга, виртуал борлиққа масъулиятли муносабатни қарор топтириш воситаси сифатида ўқувчиларнинг ижтимоий интеллектини ривожлантиришнинг педагогик моҳиятини аниқлаштириш, таълим олувчиларнинг ҳамкорликка асосланган фаолиятини самарали ташкил этишнинг дидактик тизимини ишлаб чиқиш муҳим долзарблик касб этади. Бу эса, ўқувчиларда ижтимоий интеллектни ривожлантиришнинг витаген таълим технологияси ва дидактик шарт-шароитларини такомиллаштириш зарурлигини кўрсатади.

Республикамизда оммавий ахборот воситалари, шу жумладан, Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали тарқатилаётган ғаразли ахборотлар, одоб-ахлоқни емирувчи иллатлар, ёшларни залолатга бошловчи бузғунчи ғояларга қарши соғлом дунёкарашни шакллантириш, “Тарбия” фани орқали ўқувчиларда маънавий тарбия индикаторлари ва компетенцияларини шакллантиришга хизмат қилувчи билим, кўникма ва малакаларни таълим мазмунига кенг сингдиришга катта эътибор қаратилмоқда. Ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштиришда “жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш”¹ муҳим йўналишлардан бири бўлиб хизмат қилади. Ёшлар тарбиясини замонавий асосда илмий-технологик ислоҳ қилиш борасида олиб борилаётган ишлар умумий ўрта таълим мактаби

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони. – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

ўқувчиларининг ижтимоий интеллектини ривожлантиришнинг педагогик технологиясини такомиллаштиришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги 187-сон “Умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори ҳамда мазкур соҳага тааллуқли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикада ўқувчи-ёшларда ижтимоий интеллектни ривожлантиришнинг айрим педагогик жиҳатлари Ш.Абдуллаева, С.Абдимуратов, Б.Адизов, У.Алеуов, Ж.Базарбаев, Д.Давронова, Н.Дилова, К.Иноқов, З.Курбаниязова, Н.Маҳмудова, О.Мусурмонова, Н.Нагметова, А.Ортиқов, М.Пазилова, С.Сайтбекова, Р.Сафарова, А.Тилегенов, Х.Тожибоева, Б.Ходжаев, М.Қуроновлар, муаммонинг айрим психологик жиҳатлари В.Каримова, Д.Собирова, Ғ.Шоумаров, Э.Ғозиев каби олимлар томонидан тадқиқ этилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) мамлакатлари олимларидан М.Бобнева, А.Бодалев, Л.Виготский, О.Гатаулина, В.Куницина, Е.Михайлова, А.Реан, С.Рубинштейн, А.Савенков, Т.Савенкова, Е.Саутина, Д.Ушаков, А.Федоренко, А.Южанинова кабиларнинг илмий изланишларида ижтимоий интеллект моделлари, диагностик воситалари, психологик-педагогик хусусиятлари ўрганилган.

Хорижлик олимлардан Р.Бар-Он, Дж.Гилфорд, Ж.Майер, Н.Мейжс, Г.Оллпорт, А.Разаи, Р.Риггио, С.Мэрфи ва Ж.Пирозоло, О.Салливан, Э.Торндайк, Ф.Чапинлар томонидан ижтимоий интеллект тузилмаси, табиати ва бошқа интеллект турлари билан боғлиқлигига доир қатор илмий изланишлар амалга оширилган.

Бироқ ўсмир ёшидаги ўқувчиларда ижтимоий интеллектни ривожлантириш тузилмаси, компонентлари ва омилларини аниқлаштириш, тез ўзгарувчан шарт-шароитларга муваффақиятли мослашувни таъминлашнинг ижтимоий-педагогик тизими ва технологиясини такомиллаштириш мазкур соҳага доир махсус илмий изланишлар олиб боришни тақозо этади.

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган илмий ташкилотнинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг №ФЗ-2016-0909111822 “Дарсликлар ва ўқув адабиётлари мазмунига Шарқ педагогик тафаккури дурдоналарини сингдириш орқали ўқувчиларда оммавий маданиятга қарши курашчанлик кўникмаларини шакллантириш механизмлари” (2017-2020 йй.) мавзусидаги фундаментал лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади умумтаълим мактаблари ўқувчиларида ижтимоий интеллектни ривожлантириш технологиясини такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ижтимоий интеллектнинг тузилмаси ва компонентларини аниқлаштириш;

ҳамкорликдаги фаолиятни ташкил этиш мазмуни, босқичлари, турлари ва шакллари аниқлаштириш;

ҳамкорликдаги фаолият асосида ўқувчиларда ижтимоий интеллектни ривожлантиришнинг педагогик моделини ишлаб чиқиш;

витаген таълим асосида ўқувчиларда ижтимоий интеллектни ривожлантириш технологиясини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида умумтаълим мактаблари ўқувчиларда ижтимоий интеллектни ривожлантириш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларида Навоий вилоятининг Конимех туманидаги 39-, 40-, 41-, Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус шаҳридаги 13-, 31-, 42-сон таълим қорақалпоқ тилида олиб бориладиган умумий ўрта таълим мактабларининг 495 нафар 7-9 синф ўқувчилари иштирок этди.

Тадқиқотнинг предметини умумтаълим мактаблари ўқувчиларида ижтимоий интеллектни ривожлантириш мазмуни, модели ва технологияси ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда кузатиш, сўровнома, тест, суҳбат, эксперт баҳолаш, ижтимоий интеллектни ривожлантириш методикалари, асословчи, шакллантирувчи ва яқунловчи эксперимент ҳамда математик-статистик таҳлил усулларидадан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

ўсмир ёшидаги ўқувчиларда ижтимоий интеллектни ривожлантириш тузилмаси когнитив, эмоционал, хулқ-атворга доир блоклар таркибига ижтимоий интуиция, башоратлаш ва мослашув параметрларини тизим таркибий асоси сифатида киритиш, шахслараро муносабатлар жараёнида низоли вазиятлар профилактикаси доминант эканлигини асослаш орқали аниқлаштирилган;

ўқувчиларда ижтимоий интеллектни ривожлантиришга доир ҳамкорликдаги фаолиятни ташкил этиш босқичлари ўқув-тарбия жараёнида биргаликдаги ҳаракатнинг кооперативликка асосланган, командада ишлаш, коммуникабеллик, лидерлик компетенцияларини шакллантириш имконини берувчи ўз-ўзини баҳолаш ва мунтазам тузатишлар киритиб боришга

мослаштирилган педагогик алгоритмни ишлаб чиқиш орқали такомиллаштирилган;

ўқувчиларда ижтимоий интеллектни ривожлантиришнинг педагогик андозаси параллелепед кўринишидаги уч ўлчамли ва “интеллект тузилмалари” назарий моделларига таянган ҳолда ҳамкорликда ишлашнинг “биргаликда-индивидуал”, “биргаликда-кетма-кет”, “биргаликда-ўзаро ҳаракатланувчи” шакллари ўқув фаолияти турлари билан горизонтал ва вертикал алоқага киришиш даражасини бевосита ҳисобга олиш асосида такомиллаштирилган;

витаген таълим асосида ўқувчиларда ижтимоий интеллектни ривожлантириш технологиясининг ташкилий-процессуал компоненти ҳаётий тажрибага асосланган ўйин ва машқларни ишлаб чиқиш, шахсий салоҳиятни намоён этишга имкон берувчи ТРИЗ-педагогикаси бўйича машғулотларни лойиҳалаш йўлларининг продуктивлик даражасини эмпирик баҳолаш орқали такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

ўқувчиларда ижтимоий интеллектни ривожлантиришнинг диагностик воситалари ишлаб чиқилган;

ўқувчиларда ижтимоий интеллектни ривожлантиришга доир муаллифлик тўғрарак машғулотлари дастури ишлаб чиқилган;

ҳаётий тажрибага асосланган ўйин ва машқлар мажмуидан “Тарбия фанини ўқитиш технологияси” номли қўлланмани яратишда фойдаланилган;

умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларида ижтимоий интеллектни ривожлантиришнинг витаген таълим технологияси такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув ва усуллар илмий-методик жиҳатдан асосланганлиги, назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар, тажриба-синов ишлари самарадорлиги даражаси математик-статистик методлар воситасида аниқланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги ҳамда ваколатли органлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ижтимоий интеллектнинг абстракт интеллект, хулқ-атвор, мотивация, эмоционал интеллект билан ўзаро боғлиқлиги асосланганлиги, ўқувчиларда ижтимоий интеллект хусусиятлари ва педагогик-психологик ўзига хосликларининг аниқланганлиги ҳамда абстракт интеллект ва эмоционал интеллектни ривожлантиришнинг ижтимоий-сиёсий, миллий-маънавий, педагогик ва психологик омиллари таснифи ишлаб чиқилганлиги, компетент ёндашувнинг концептуал асосларининг аниқланганлиги, ахборот истеъмоли маданиятини таркиб топтиришнинг педагогик-психологик ҳимоя механизмлари мазмун-моҳиятининг очиб берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ҳамкорликдаги фаолият асосида ўқувчиларда ижтимоий интеллектни ривожлантиришнинг педагогик моделини ишлаб чиқилганлиги, “Ижтимоий интеллект” номли тўғрарак

машғулоту дастури ва ўқувчиларда ижтимоий интеллектнинг ривожланганлик даражасини аниқлаш методикасининг ишлаб чиқилганлиги, ўқувчиларининг ижтимоий интеллектни ривожланганлигини баҳолашнинг диагностика воситаларининг ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Умумтаълим мактаблари ўқувчиларида ижтимоий интеллектни ривожлантириш технологиясига доир тадқиқот натижалари асосида:

ўсмир ёшидаги ўқувчиларда ижтимоий интеллектни ривожлантириш тузилмасини когнитив, эмоционал, хулқ-атворга доир блоклар таркибига ижтимоий интуиция, башоратлаш ва мослашув параметрларини тизим таркибий асоси сифатида киритиш, шахслараро муносабатлар жараёнида низоли вазиятлар профилактикаси доминант эканлигини асослаш орқали аниқлаштиришга доир таклифлардан “Тарбия” фани Давлат таълим стандартини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Республика таълим марказининг 2020 йил 29 июндаги 01/11-03/03-636-сон маълумотномаси). Натижада, умумий ўрта таълим мактабларида “Тарбия” фанини ўқитиш мазмунининг ижтимоий компетентликка доир ўқув материаллари билан бойитишга эришилган;

ўқувчиларда ижтимоий интеллектни ривожлантиришга доир ҳамкорликдаги фаолиятни ташкил этиш босқичларини ўқув-тарбия жараёнида биргаликдаги ҳаракатнинг кооперативликка асосланган, командада ишлаш, коммуникабельлик, лидерлик компетенцияларини шакллантириш имконини берувчи педагогик алгоритмни ишлаб чиқиш орқали такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялардан умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчилари учун “Тарбия” фани Концепциясини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Республика таълим марказининг 2020 йил 29 июндаги 01/11-03/03-636-сон маълумотномаси). Натижада, ўқувчиларда ижтимоий компетенцияларни баҳолаш матрицаси ишлаб чиқилиб, таълим олувчиларда ахлоқий сифатлар ва ҳаётий кўникмаларни ривожлантиришнинг диагностика тизимини такомиллаштиришга хизмат қилган;

ўқувчиларда ижтимоий интеллектни ривожлантиришнинг педагогик андозасини ишлаб чиқишда параллелипед кўринишидаги уч ўлчамли ва “интеллект тузилмалари” назарий моделларига таянган ҳолда ҳамкорликда ишлашнинг “биргаликда-индивидуал”, “биргаликда-кетма-кет”, “биргаликда-ўзаро ҳаракатланувчи” шакллариини ўқув фаолияти турлари билан горизонтал ва вертикал алоқага киришиш даражасини бевосита ҳисобга олиш, витаген таълим асосида ўқувчиларда ижтимоий интеллектни ривожлантириш технологиясининг ташкилий-процессуал компоненти ҳаётий тажрибага асосланган ўйин ва машқларни ишлаб чиқиш, шахсий салоҳиятни намоён этишга имкон берувчи ТРИЗ-педагогикаси бўйича машғулотларни лойиҳалаш йўлларининг продуктивлик даражасини эмпирик баҳолаш орқали такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялардан “Тарбия” фани бўйича ўқувчиларнинг ўқув кўникмаларини баҳолаш ва ўлчаш тизими”га доир меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Республика таълим марказининг 2020 йил 29 июндаги 01/11-03/03-636-сон маълумотномаси).

Натижада, витаген таълим технологиясини қўллаш асосида ўқувчиларда ижтимоий интеллект ва компетентликни ривожлантириш самарадорлигини оширишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 9 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 6 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, асосий матн 128 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот ишининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасида маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг **“Умумтаълим мактаблари ўқувчиларида ижтимоий интеллектни ривожлантиришнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида ўқувчиларда ижтимоий интеллектни ривожлантириш долзарб муаммо эканлиги, ижтимоий интеллектнинг тузилиши, компонентлари ва асосий ривожлантириш омиллари ёритиб берилган.

Маълумки, ёш авлод тарбияси ҳамма замонларда ҳам муҳим ва долзарб аҳамиятга эга бўлиб келган. Аммо биз яшаётган ХХІ асрда бу масала ҳақиқатан ҳам ҳаёт-мамот масаласига айланиб бормоқда¹. Шу боис, мамлакатимизда “жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш”² ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган.

“Интеллект” лотин тилидан олинган бўлиб, ақл, идрок, зеҳн маъноларини англатади. Интеллект инсоннинг билиш қобилияти, фикрлаш, англаш, тафаккур қилиш салоҳиятини белгилайди. У маънавиятга яқин

¹ Мирзиёев Ш.Жисмоний ва маънавий етук ёшлар – эзгу мақсадларимизга етишда таянчимиз ва суянчимиздир. // Халқ сўзи. – 2017. – 1 июль.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони// Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатлари тўплами. – 2017. – № 6. – 70-модда.

бўлиб, инсоннинг руҳий-ҳиссий туйғуси, билиш қобилияти ва ақл-заковати, ақлий етуклиги ва юксакликка интилиши билан уйғунлашади¹.

Ижтимоий интеллектнинг юзага келишида умумий интеллектнинг барча элементлари бевосита иштирок этади: тафаккур, тафаккур турлари, анализ, синтез, ҳаёл, таққослаш, хотира ва унинг турлари.

Ижтимоий интеллект тушунчаси биринчи марта 1920 йили Э.Торндайк томонидан фанга киритилган. У мазкур тушунчани “шахслараро муносабатларда онгли, ўйлаб, оқилона ҳаракатлар билан мулоқотда бўлиш”, деб тушунтирган. Э.Торндайк ижтимоий онг(ақл)ни одамлар билан мулоқотнинг муваффақиятини таъминлайдиган ўзига хос когнитив қобилият деб ҳисоблаган. Ижтимоий ақлнинг асосий вазифаси мулоқот жараёнидаги ҳатти-ҳаракатларни олдиндан ҳис эта олишдир. Ижтимоий интеллект умумий интеллектнинг бир тури ҳисобланади.

Ижтимоий интеллект муаммоси республикамиз психолог ва педагог олимлари томонидан ҳам ўрганилганлигини эътироф этиш ўринли. Аммо муаммога ижтимоий интеллект туси берилган бўлмаса-да, унинг асосий компонентлари ҳисобланган шахслараро муносабат, педагогик мулоқотга қобилиятлилик, ўзаро бир-бири тушуниш ва идрок этиш, педагогик ҳамкорлик ва фаолиятни бошқариш масалалари ўрганилганлигини эътироф этиш зарур. Ўзбекистонлик олимлардан Р.Сафарова, Б.Ходжаев, Ш.Абдуллаева, Х.Тожибоева, Н.Дилова, Қ.Иноқовлар томонидан томонидан ҳамкорлик педагогикаси масалалари, ўқувчиларда ўзаро дўстона муносабатларга асосланиб ҳамкорликда фаолият кўрсатиш кўникмаларини шакллантириш стратегиялари, ўқувчи-ёшларнинг ижтимоий фаоллигини оширишнинг педагогик имкониятлари ёритиб берилган.

Ҳозирги вақтда ижтимоий интеллектга доир тадқиқотлар таълим муаммолари билан боғлиқликда амалга оширилиб, унинг турли жиҳатлари ўрганилиб, баҳс доираси чуқурлашиб, кенгайиб бормоқда. Инсоннинг маданий-ижтимоий шартланган хулқ-атвори билан боғлиқликда ижтимоий интеллект билан боғлиқ қатор илмий изланишлар амалга оширилмоқда (Erez & Earley (1993); Triandis (1994); Gelfand, Erez, & Aycan (2007)). Турли давлат тадқиқотчилари томонидан ижтимоий интеллектнинг муқобили сифатида “маданий интеллект”нинг бир қанча моделлари ишлаб чиқилган. Айниқса, уни ўлчаш учун махсус восита – “маданий интеллект шкаласи” яратилган (S. Ang, L. Van Dyne, K. Koch, 2003). Ҳозирги вақтда педагог ва жамоатчиликни болалар ва ўсмирларнинг агрессив хулқ-атвори, уларга психологик босим ўтказиш – буллинг муаммоси айниқса, ташвишга солмоқда. Қатор тадқиқотчилар ўзларининг ишларини ижтимоий интеллект ва болалар агрессивлиги билан алоқадор муаммоларига бағишлаган (S. Pabian & H. Vandebosch, 2016).

Жаҳон миқёсида ўтказилаётган бундай кенг қамровли тадқиқотлар ижтимоий интеллектни тузилиши, компонентлари, ўқувчиларда уни ривожлантиришнинг асосий омилларини аниқлаштиришни, ўқитувчи ва

¹ Шайхова Х. Интеллектуал салоҳият – тараққият мезони. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – Б.12.

Ўқувчиларнинг самарали биргаликдаги фаолияти асосида ижтимоий интеллектни ривожлантириш модели ва витаген таълим технологиясини ишлаб чиқишни тақозо этади.

Тадқиқотчилар Р.Риггио, С.Мэрфи ва Ж.Пироззоллар бошқа натижаларга эришдилар. Ижтимоий интеллект даражаси бўйича тест ўтказиш орқали муаллифлар олтига ижтимоий кўникмани таклиф этишди: эмоционал, ифодавийлик, эмоционал сезгирлик, эмоционал ифодавийлик ва эмоционал назорат. Шунингдек, улар ўз тадқиқотларида яширин ахлоқий кўникмалар тестидан (турли ижтимоий вазиятларда тўғри хулқ-авторга доир билимларни баҳолашган) фойдаланишди. Р.Риггио, С.Мэрфи ва Ж.Пироззоллар томонидан ўтказилган тадқиқотлар эмоционал интеллектни ижтимоий интеллектнинг таркибий қисми сифатида қараш лозимлигини кўрсатади.

Ижтимоий интеллектни тавсифловчи таркибий асослар қаторига америкалик олим Ф.Чапин “ижтимоий интуиция” тушунчасини киритди. У деярли мавжуд ижтимоий интеллект моделларининг барчаси таркибига кирган.

Ижтимоий интеллект ва ижтимоий компетентлик ўртасидаги умумийликни баҳолаш тузилмасига Н.Кантор ва Р.Харлоу тадқиқотлари туфайли муҳим параметр – “ижтимоий башоратлаш” киритилди. Бизнинг тадқиқотимизда ўқувчиларда ижтимоий интеллектнинг мазкур тавсифини намоён бўлиш даражаси шунини кўрсатдики, ўсмир ёшидаги болалар ўзларининг келажаги ҳақида ўйлайдилар.

Биз ижтимоий интеллект компонентларига доир турли нуктаи назарларни таҳлил этиш асосида унинг қуйидаги уч блокни тузилмасини аниқлаштирдик (1-расмга қаранг).



1-расм. Ўқувчиларда ижтимоий интеллектни ривожлантириш тузилмаси ва компонентлари

Ўтказилган таҳлилларни умумлаштириш ижтимоий интеллектни ривожлантиришнинг ички ва ташқи омилларини ажратиб кўрсатиш имконини берди. Ташқи омилларга ижтимоий, ичкисига эса, психологик омиллар киритилди. Ижтимоий омиллар сифатида қуйидагилар белгиланди: синф жамоаси; оила; таълим-тарбия жараёнлари. Психологик омилларга субъектнинг шахсий сифатлари, айнан: мотивацион-қадриятга йўналтирилганлик, эмпатия ва рефлексияга қобилиятлилиқ киритилди.

Диссертациянинг **“Ўқувчиларда ижтимоий интеллектни ривожлантиришнинг амалий-технологик тизими”** деб номланган иккинчи бобда ҳамкорликдаги фаолиятни ташкил этиш асосида ўқувчиларда ижтимоий интеллектни ривожлантириш мазмуни, ўқувчиларда ижтимоий интеллектни ривожлантиришнинг педагогик модели, витаген таълим воситасида ўқувчиларда ижтимоий интеллектни ривожлантириш технологияси ёритиб берилган.

Педагогика ва ёш даврлари психологиясига доир адабиётларда ҳамкорликдаги фаолият индивидларнинг ўзаро биргаликдаги ҳаракати фаоллигининг ташкилий тизими сифатида талқин қилинади. Унинг асосий фарқли жиҳатларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

фаолиятга доир ҳаракатлар, ахборотлар ва натижаларни алмашинувини талаб этувчи иштирокчилар ўртасида бевосита ишбоп алоқаларни ўрнатиш имкониятини яратувчи бир макон ва вақтда уларнинг иштирок этиши;

ҳамкорликдаги фаолиятда ягона мақсаднинг мавжудлиги, иштирокчиларнинг яхлит натижа ҳақидаги тасаввурни ҳар бирининг англаб етиши;

педагог ёки ҳамкорликдаги фаолият иштирокчиларнинг мазкур жараёнга раҳбарлик қилиши, улар ўртасида раҳбарлик функцияларининг тақсимланиши;

иштирокчилар ўртасида ҳамкорликдаги фаолиятни амалга ошириш жараёнида функцияларнинг тақсимланиши, фаолият мақсади, мазмуни, воситаларнинг ўзига хослиги ва натижага эришиш шартларининг ўзаро боғлиқлиги.

Фаолият назарияси билан боғлиқликда ҳамкорликдаги фаолият қатор таркибий асосларни ўз ичига қамраб олади: умумий мақсад, вазифаларнинг ўзига хослиги, иштирокчиларнинг мотивлари, режалаштириш, қарорлар қабул қилиш, ҳамкорликдаги ҳаракат, натижа ва уни баҳолаш.

Ҳамкорликдаги ёки жамоавий фаолият механизмларининг тарбиявий таъсирини тушуниш учун унинг турли вариантлари – ташкилий шакллари таснифлаш зарур. Ҳамкорликдаги фаолиятни ташкил этиш шакллари таснифлаш алоҳида методик топшириқларни самарали структуралаштириш ҳамда ўқувчиларнинг муваффақиятли ижтимоийлашувини босқичма-босқич ишлаб чиқиш имконини беради. Шунингдек, таснифлаш таклиф этилаётган вазифа бўйича ташкилий-методик ечимларни структуралаштириш орқали ҳамкорликда ҳал этиладиган ижодий вазифаларни босқичма-босқич мураккаблаштириб боришни ҳисобга олган ҳолда таълимий фаолиятни ташкил этиш имконини беради.

Ҳозирги вақтда ҳамкорликдаги фаолиятни ташкил этишнинг учта асосий шакли ажратиб кўрсатилади. Одатда, улар машҳур психолог ва педагог Л.И.Уманский томонидан таклиф этилган атамалар билан номланади: “биргаликда-индивидуал”, “биргаликда-кетма-кет”, “биргаликда-ўзаро ҳаракатланувчи”. Табиий равишда мазкур номланишлар шартли бўлиб, бироқ шуни қайд этиш керакки, улар ҳамкорликдаги фаолиятни ташкил этишнинг ҳар бир шаклининг ўзига хосликларини ўзида аниқ акс эттиради.

2-расмда кўрсатилганидек, ҳамкорликдаги фаолиятни ташкил этишнинг хилма-хил шаклларида иштирокчиларнинг ўзаро ҳаракатини тавсифловчи жараёнлар ўқувчиларнинг биргаликдаги самарали фаолиятини хилма-хил шаклларда ташкил этишни аниқ тасаввур қилиш имконини беради. Ҳамкорликдаги фаолиятни ташкил этишнинг асосий шакллари ўзаро туташган қисмлари уларни ажратишнинг шартли тавсияга эгалигини кўрсатади. Мазкур чизманинг мақсади – ҳамкорликдаги фаолият шароитида ўқувчиларнинг тенгдошлари билан амалий ишларини ташкил этишда мўлжални олиш имконини беради. Ўзаро биргаликдаги ҳаракатни ташкил этишнинг мазкур шакллари универсал тавсифга эга бўлиб, фаолиятнинг тури ва кўринишига тўғридан-тўғри боғлиқ эмас. Улар ўқувчилар фаолиятини ташкил этишнинг ўйин, ўқув-билув, тасвирий, мусикий, спорт, театрлаштирилган фаолият мазмунига мувофиқ амалга оширилади.



2-расм. Ҳамкорликдаги фаолиятни ташкил этишнинг турли шаклларида ўзаро биргаликдаги ҳаракат мазмуни


Хулоса қилиб айтганда, ҳамкорликдаги самарали фаолият имкониятларидан фойдаланиш ўқувчиларнинг ижобий ижтимоийлашувини ташкил этишга жуда ижобий таъсир кўрсатади. Ҳамкорликдаги фаолият масъулиятлилик, дахлдорлик, ҳамдардлик каби ижтимоий-йўналтирилган сифатларни тарбиялаш имконини беради, ҳамкорликда, командада ишлаш,

коммуникабельлик, лидерлик компетенцияларини шакллантириш учун қулай шароит яратади.

Замонавий илм-фанда эмоционал ва ижтимоий интеллект концепцияларни ишлаб чиқиш соҳасидаги илмий тадқиқот натижалари амалий психологик, педагогик изланишлар ҳамда замонавий таълим амалиётида кенг қўлланилмоқда. Кўпроқ ижтимоий интеллект ва ижтимоий компетентликнинг ривожланганлигини ташхис этишнинг диагностик воситаларини ишлаб чиқишга доир қатор тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Педагогика ва таълим амалиётида таклиф этилган назарий моделларга таяниб, турли ёш давларида ижтимоий интеллектни ривожлантиришнинг қонуниятларини аниқлаштириш, унинг мазмуни, ташкилий шакл, метод ва воситаларини ишлаб чиқиш бўйича қатор илмий изланишлар амалга оширилмоқда. Бизнинг мақсадимиз ўқув-тарбия жараёнида ўқувчиларнинг ҳамкорликдаги фаолиятини ташкил этиш шароитида уларнинг ижтимоий интеллектини ривожлантириш мазмуни, ташкилий шакл, метод ва воситаларини лойиҳалаштириш усулларини тавсифлашдан иборатдир.

Биз томонимиздан таклиф этилаётган мазкур назарий моделнинг асосий функцияси ижтимоий интеллектнинг таянч таркибий асосларини ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитларини ишлаб чиқишдан иборат. Шунингдек, мазкур модел умумий ўрта таълим мактабларида дарс ва дарсдан ташқари ҳамкорликдаги фаолият жараёнида ўқувчиларда ижтимоий интеллектни ривожлантириш учун зарур шарт-шароит яратишга хизмат қилиши лозим.

Ижтимоий интеллект ўқувчиларни ҳамкорликдаги фаолиятини ташкил этишнинг барча турларини ўзида акс эттиради. Шунинг учун назарий моделнинг навбатдаги элементи сифатида ўқувчиларнинг ҳамкорликдаги фаолиятини ташкил этиш турлари белгиланди. 3-расмда умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларида ижтимоий интеллектни ривожлантиришга доир ҳамкорликдаги фаолият турлари келтириб ўтилган.



3-расм. Ўқувчиларнинг ҳамкорликдаги фаолиятини ташкил этишнинг асосий турлари

Ҳамкорликдаги фаолият жараёнида ўқувчиларда ижтимоий интеллектни ривожлантиришнинг педагогик модели ўзида бир-бири билан боғлиқ иккита блокни акс эттирди:

биринчиси – ижтимоий интеллектни ривожлантиришнинг асосий компонентлари ўртасида тизимли-функционал алоқадорликни ҳосил қилиш;

иккинчиси – ўқувчиларда ижтимоий интеллектни ривожлантиришга доир ўқув-тарбия жараёнини босқичма-босқич амалга ошириш.

Моделнинг биринчи қисми – ижтимоий интеллектни ривожлантиришнинг асосий компонентлари ўртасида тизимли-функционал алоқадорликни ҳосил қилишни кўзда тутади:

ижтимоий интеллектнинг асосий компонентлари (когнитив, эмоционал, хулқ-атворга доир);

ҳамкорликдаги фаолият шакллари (биргалик-индивидуал, биргаликда-кетма-кет, биргаликда-ўзаро ҳаракатланувчи);

ҳамкорликдаги фаолиятни ташкил этиш турлари (ўйин, коммуникатив, билиш-тадқиқотчилик, ўз-ўзига хизмат, тасвирий санъат, муסיқий фаолият, жисмоний маданият, мутолаа маданияти).

Моделнинг мазкур қисмининг асосий функцияси – ўқувчиларда ижтимоий интеллектни ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитларини ишлаб чиқиш учун педагогга манба бўлиб хизмат қилишдир.

Моделнинг иккинчи қисми – ўқувчиларда ижтимоий интеллектни ривожлантиришга доир ўқув-тарбия жараёнини босқичма-босқич амалга ошириш.

Моделнинг мазкур таркибий қисмининг асосий функцияси – турли фаолият турлари бўйича ҳамкорликдаги фаолият жараёнида ўқувчиларнинг ижтимоий интеллектини ривожлантириш бўйича ўқув-тарбиявий фаолиятнинг ҳар бир босқичида педагог фаолиятининг асосий йўналишларини тавсифлаш.


Ўқувчиларда ижтимоий интеллектни ривожлантириш моделини амалга оширишда асосий шарт-шароит сифатида ҳамкорликдаги фаолиятга касбий раҳбарлик қилиш қуйидагиларни ўз ичига олади:

ўқувчиларнинг гуруҳий фаолиятини педагогик мақсадга мувофиқ ташкил этиш; асосий кўрсаткич – ўқувчиларнинг ҳар бири учун максимал таълимий самара бериши учун уларнинг ҳар бирини ҳамкорликка тайёрлик имконияти;

режалаштириш босқичида мажбуриятларнинг аниқ тақсимланиши ва ишнинг ҳар бир босқичини амалга оширишда фаол ўзаро ёрдам кўрсатиш;

кундалик ўқув-тарбия фаолиятида ўзаро биргаликдаги ҳаракатни талаб этувчи ўйинли ва ҳаётий вазиятларни яратиш.

Ўқувчиларда ижтимоий интеллектни ривожлантиришнинг педагогик модели 4-расмда келтириб ўтилган.



4-расм. Ўқувчиларда ижтимоий интеллектни ривожлантиришнинг педагогик модели

Тадқиқот предмети билан боғлиқликда педагогик технология деганда умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларининг ижтимоий интеллектини ривожлантириш, ижтимоийлашуви ва ижтимоий тарбияси билан алоқадор мақсад ва вазифаларни амалга оширишга йўналтирилган, узвий бирликни акс эттирувчи, алоҳида компонентлардан ташкил топувчи педагогик тизим кўзда тутилди.

Технологияни лойиҳалаш учун асос сифатида витаген таълим танланди. Педагогика фанлари доктори, профессор, академик А.Белкин томонидан XX асрнинг сўнгги чорагида витаген таълимнинг назарий жиҳатлари ишлаб чиқилди. Витаген таълимнинг моҳияти “таълим жараёнида ўқувчиларнинг олган билим ва кўникмалар билан ҳаётий тажрибаларнинг боғлиқлиги” унда асосий ғоя ҳисобланган. Яъни, витаген таълим назариясининг таянч сўзлари сифатида ҳаётий тажриба, ҳаёт тажриба, витаген тажриба талқин этилган.

Профессор Р.Сафарова илмий раҳбарлигида яратилган педагогик энциклопедияда витаген таълим технологияси тушунчасига қуйидаги тарзда аниқлик киритилган: витаген таълим – дидактиканинг йўналишларидан бири бўлиб, таълим олувчиларда мавжуд бўлган ижтимоий тажрибаларни долзарблаштириш асосида ташкил этилади. Бунда шахснинг витаген тажрибасидан таълимий мақсадларда босқичма-босқич фойдаланиш кўзда тутилади.

Витаген таълим – шахснинг ҳаётий тажрибасини долзарблаштиришга қаратилган ўқитиш тизими бўлиб, унинг интеллектуал-руҳий қувватларидан таълимий мақсадларда фойдаланишни назарда тутди.

Умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларида ижтимоий интеллектни ривожлантириш технологияси витаген таълимнинг концептуал асосларига таянган ҳолда лойиҳалаштирилиб, мақсадга йўналтирилган, тизимли тавсифга эга қуйидаги босқичларни ўз ичига қамраб олди: аналитик – ўқувчиларда ижтимоий интеллектнинг асосий параметрлари қарор топганлиғни ҳақидаги ахборотларни тўплаш, таҳлил этиш, умумлаштириш ва баҳолаш; ташкилий-тайёрлов – технологияни амалга ошириш истиқболини аниқлаштириш, педагогик жараён шакл, метод ва воситаларини танлаш, таълимий-тарбиявий тўғарак дастурини ишлаб чиқиш, ўқитувчиларнинг методик тайёргарлигини такомиллаштириш; фаолиятга доир – ўқувчиларда ижтимоий интеллектни ривожлантириш технологиясини босқичма-босқич амалга ошириш; мониторинг – ўқувчиларда ижтимоий интеллектни ривожлантириш динамикасини баҳолаш, зарурият юзага келганда тарбиявий жараёнга тузатишлар киритиш; натижавий – ўқувчиларда ижтимоий интеллектни ривожлантириш натижаларини баҳолаш ва ўқув-тарбиявий ишларнинг истиқболдаги вазифаларини аниқлаштириш (5-расмга қаранг).

Виртуал мулоқотнинг тобора оммалашиб бориши, жонли мулоқот амалиётининг сусайиши ва мулоқот сифатининг пасайиши шароитида замонавий ўсмир ижтимоий интеллектни маълум машқлардан фойдаланган ҳолда махсус тайёргарликка муҳтож. Улардан баъзилари ўқув машғулотлари, тарбиявий соатларни ўтказиш учун синф раҳбарлари ва фан ўқитувчиларининг амалиётига киритилиши мумкин.



5-расм. Витаген таълим асосида ўқувчиларда ижтимоий интеллектни ривожлантиришнинг педагогик технологияси

Тадқиқот доирасида қўлланилган “Занжир”, “Ҳолатни аниқланг”, “Сифатлар”, “Сабабларни тушунтириш”, “Бошқа кишининг номидан монолог тузиш”, “Синонимини топиш”, “Ҳаётини вазиятларни ижро этиш”, “Сўзлайдиган нарса-буюмлар” каби ўйин ва машқлардан намуналар келтириб ўтилган.

Диссертациянинг **“Ўсмир ёшидаги ўқувчиларда ижтимоий интеллектни ривожлантириш самарадорлиги”** деб номланган учинчи бобда тажриба-синов ишларини ташкил этиш мазмуни ва методикаси ҳамда тажриба-синов ишлари натижалари ва таҳлили ёритиб берилган.

Тадқиқотнинг эмпирик қисми анъанавий тарзда – тажриба ва назорат синфлари иштирокида ўтказилди. Синалувчилар таркибига Навоий вилоятининг Конимех туманидаги 39-, 40-, 41-, Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус шаҳридаги 13-, 31-, 42-сон умумий ўрта таълим мактабларининг 495 нафар 7-9 синф ўқувчилари жалб этилди.

Асосий тажриба-синов ишлари 2018-2019 ва 2019-2020 ўқув йиллари давомида ўтказилди.

Тадқиқотнинг эмпирик босқичининг мақсади ҳамкорликдаги фаолият асосида ўқувчиларда ижтимоий интеллектни ривожлантириш моделини

амалиётда синовдан ўтказиш ҳамда тажриба ва назорат синф ўқувчиларида ижтимоий интеллектнинг асосий параметрларининг ривожланганлик даражаси бўйича натижаларни қиёсий таҳлил этиш орқали унинг самарадорлигини баҳолашдан иборат этиб белгиланди.

Педагогик тажриба-синов ишлари жараёнида биз қуйидаги фаразнинг тасдиқланиши ёки инкор этилишини аниқлашга ҳаракат қилдик: ўсмир ёшидаги ўқувчиларда ижтимоий интеллектнинг ривожланганлик даражаси уларнинг шахсий эмоцияларининг адекват (мос) ифода этилиши ва уни бошқариш билан ўзаро алоқадорлиги; бошқа кишиларнинг ижтимоий хулқ-атворидаги мотивларни тушуниш; ўқувчиларнинг ҳамкорликдаги фаолиятга тайёрлиги.

Бундан ташқари биз ижобий натижа кузатилган ҳолатда ўқувчиларда ижтимоий интеллектни ривожлантириш моделининг эмоционал, когнитив ва хулқ-атворга доир компонентларининг ўзаро алоқадорлик даражасини таҳлил этиш орқали далилни математик нуқтаи назардан тасдиқланиши ёки инкор этилишини аниқлашни кўзда тутдик.

Тажриба ва назорат синфлари иштирокида ўтказилган тадқиқотнинг эмпирик босқичининг умумий чизмаси анъанавий тарзда амалга оширилди. Шунинг учун тадқиқотнинг диагностик ва якуний босқичлари ўқувчиларда ижтимоий интеллектнинг ривожланганлигини баҳолаш учун диагностик воситаларидан фойдаланиш тўлиқ бир-бирига мос келади.

Тажриба-синов ишларининг шакллантирувчи босқичида педагоглар тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган тўғарак машғулотлари дастуридан фойдаланишди. Назорат синфларида ўқувчиларда ижтимоий интеллектни ривожлантириш вазифаси анъанавий тарзда йўлга қўйилган ўқув-тарбия мазмуни, фаолиятни ташкил этиш шакл ва методлари орқали амалга оширилди.

2017-2018 ўқув йилида сайёр тажриба-синов ишларини ўтказиш орқали эмпирик тадқиқот бошланди. У муаммони аниқлаш ва тадқиқотнинг ишчи фаразини шакллантириш имконини берди. Сайёр тажриба-синов ишлари давомида ўқувчиларда ижтимоий интеллектнинг асосий жиҳатлари ривожланганлик даражасини аниқлаш учун зарурий ва етарлича баҳоловчи материалларини шакллантиришга имкон берувчи диагностик методикалар синовдан ўтказилди. Шунингдек, ҳамкорликдаги фаолият асосида ўқувчиларда ижтимоий интеллектни ривожлантириш мазмуни, ташкилий шакллари ва педагогик шарт-шароитларини ишлаб чиқишга доир ёндашувлар синовдан ўтказилди.

Эмпирик тадқиқотнинг биринчи — диагностик босқичида биз томонимиздан ўқувчиларда ижтимоий интеллектнинг ривожланганлик даражасини баҳолаш амалга оширилди. Диагностик баҳолаш биз томонимиздан ишлаб чиқилган ижтимоий интеллектни ривожлантиришнинг педагогик модели асосида амалга оширилди. Диагностик воситалар тадқиқотнинг назарий қисмида аниқлаштирилган параметрлар асосида ишлаб чиқилди, интегратив баҳо эса, ўсмир ёшидаги ўқувчиларда ижтимоий

интеллектни ривожланганлик даражасини ҳақида умумий тасаввурни ҳосил қилиш имконини берди.

Қайд этиб ўтилганидек, ўқувчиларда ижтимоий интеллектни ривожлантириш модели уч асосий параметр асосида баҳоланди: бошқа кишиларнинг ижтимоий хулқ-атвор мотивлари ва эмоцияларини тушуниш; ўқувчининг шахсий ҳис-туйғуларини ўринли ифода этиши ва бошқара олиши; фикрлаши ва ўзининг ижтимоий хулқ-атворини бошқара олиш.

Биринчи блок параметри – “бошқа кишиларнинг ижтимоий хулқ-атвор мотивлари ва эмоцияларини тушуниш” дир. У ўзида “ўқувчида асосий эмоцияларнинг намоён бўлиши” мезонини акс эттиради. Мазкур параметрни баҳолаш учун М.М.Семаго ва Н.Я.Семаголар томонидан ишлаб чиқилган “Эмоционал юз” методикасидан фойдаланилди. Шунга ўхшаш қатор методикалар мавжуд. Бироқ биз мазкур вариантни маъқул деб ҳисобладик.

Ҳамдардлик қобилияти – бошқа кишиларнинг қиёфасига кира олиш, бошқанинг ўрнига ўзини қўя олишга (коммуникатив ва ахлоқий эгоцентризмни бартараф этиш) тайёрлик. Ўқувчиларнинг ҳамдардлик қобилияти эксперт методи орқали баҳоланди. Баҳолаш учун экспертларга қуйидаги мезон ва кўрсаткичлар таклиф этилди: ўқувчи бошқа кишиларнинг қиёфасига кира олади, бошқанинг ўрнига ўзини қўя олади – 5 балл; ўқувчи ҳамма вақт ҳам бошқа кишиларнинг қиёфасига кира олмайди, бошқанинг ўрнига ўзини қўя олмайди – 4 балл; ўқувчи кўпинча бошқа кишиларнинг қиёфасига кира олмайди, бошқанинг ўрнига ўзини қўя олмайди – 3 балл; ўқувчи бошқа кишиларнинг қиёфасига кира олмайди, бошқанинг ўрнига ўзини қўя олмайди – 2 балл; ўқувчида эгоцентризм аниқ намоён бўлади – 1 балл.

